

Ўз вақтида огоҳлантириши, қутқариши ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



# Vaziyat

2023 йил  
10 август  
№ 32 (921)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

## ФАРМОН ВА ИЖРО

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппаратида вазир, генерал-майор А. Қўлдошев бошчилигига Президент қарор ва фармонлари ижросига бағишинган йиғилиш ўтказилди.



Мажлисда ФВВ ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари видеоконференцалоқа орқали иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2 август кунидаги ПФ-125-сонли фармони мазмун-моҳияти етказилди. Шунингдек, йиғилиш давомида амалга

оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланиб, соҳавий йўналишлар бўйича республика, вилоят, шаҳар, туман даражаларида тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан масъул раҳбарларга тегишли топшириклар берилди.

ФВВ Матбуот хизмати.



Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик Кенгашининг 2023 йил 27 май кунидаги “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига асосан ФВВ тизимидан бир гурух устоз офицерлар 1-даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

## ҚУТЛОВ!



Намангандек вилояти ФВБ бошлиги генерал-майор Қосимали Аҳмедов



ФВВ Фахрийлар марказий кенгashi раиси, истеъфодаги полковник Эргаш Икромов



ФВВ фахрийси, истеъфодаги полковник Мирзахит Мирзажитов

Тақдирланган устоз офицерларимизни чин дилдан муборакбод этган ҳолда, уларга бугунгидек бардамлик, мустаҳкам саломатлик ва эл-юртга хизмат қилишдек шарафли вазифа йўлида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ФВВ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Самарқанд вилояти матбуот уйида вилоят ФВБ томонидан “Долзарб 30 кун” ойлиги давомида амалга оширилган ишларга бағишиланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда вилоят ФВБ бошлиғи ўринбосари Умид Ахроров томонидан вилоядта соғир бўлган ёнғинлар, фавқулодда вазиятлар, уларнинг оқибатларини бартараф этишга оид амалга оширилган тадбирлар, бу борадаги хавфсизлик қоидалари бўйича маълумотлар етказилди.

Тадбир якунида



ОАВ вакилларининг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Илҳомжон БОҚИЕВ,**  
Самарқанд вилояти ФВБ  
ахборот хизмати бошлиғи,  
катта лейтенант.



Термиз ва Урганч ҳарбий прокуратурулари ташаббуси билан “Уч авлод учрашуви” тадбири ташкил этилди.

## ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

Тадбирларда ҳарбий қисм ва муассасалар қўмондонликлари вакиллари, муддатли ва контракт



бўйича ҳарбий хизматчилар, пенсиядаги, шу жумладан, байналминалчи фаҳрийлар ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этдилар.

Фаҳрийлар ўз тажрибаларидан сўзлаб берган ҳаётий сабоқлар, қалбларида жўш урган ватанпар-

варлик туйғуси ҳар қандай машиқатли вазиятда уларга куч ва шижаот бергани, ҳалқимиз олдиндаги фарзандлик бурчи эса дои-

мо ўз вазифаларига фидойилик ва масъулият билан ёндашишга ундагани ёшпардаги Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада тўлқинлантириб юборганинги уларнинг юз-қўзларидан англаш қийин бўлмади.

Мулоқотлар очик, са-  
мимий руҳда ўтди ва са-  
вол-жавобларга бой бўлди.

Муддатли ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи-ёшларнинг Ватан ва садоқат ҳақидаги жонли куй-қўшиклиари тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

**Мехриддин НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокуратуруси бўлим  
катта ҳарбий прокурори,  
адлия подполковниги.

## Жиноят ва жазо

## ГУЛ ЎРНИГА...

32 ёшли Н.Т. муқаддам судланган. Унга жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2022 йил 4 ноябрдаги ҳукмига кўра иш ҳақини 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. У яна қінғир ишга кўл уради. Яхшиси, Н.Т.нинг суддаги кўрсатмасини келтирсан.

– Бундан уч йил илгари А.Х. деган йигит билан танишдим, – деди судда судланувчи Н.Т. – У билан бир-

га бизнес қилиш режасини туздик. Ҳатто Хитой давлатидан ускуна олиб келиб маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлдик. Шу орада А.Х. турмушга чиқиш таклифини билдириди. Мен эса рози бўлмадим. Бироқ у ишқий муносабатларини билдираверди. Мен эса рад жавобини беравердим. Орадан кунлар ўтсада, А.Х. мени тинч қўймади. Шундан кейин унинг яшаш хона-донига бориб онаси билан учрашдим. Оилали инсоннинг турмушини бузмоқчи

эмаслигимни тушунтирудим. Бироқ кунларнинг бирида А.Х.нинг онаси келиб бақирчақир қилди. Мен унинг онаси га ўғлингиз билан ҳеч қандай гаплашганим йўқ, мабодо келса, сизга хабар бераман, дедим. Бироқ месала ечим топмади. Шунинг учун 2022 йил 30 ноябрь куни А.Х.ни қидириб, унинг хонадонига бордим. Ҳовли ташқарисида турган А.Х.га тегишили “Нексия-3” русумли автомашинани кўрдим. Шундан менда А.Х. мени уйимга бориб безовта қилмаслиги учун автомашинанинг оливи орқа давлат рақамлари нишбатан тегишили ҳужжат расмийлаштирилди. Ҳозирги кунда қилган ишмадан пушаймонман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгилроқ жазо беришларини гизни сўрайман.

Шу ўринда жабрланувчининг кўрсатмасини ҳам келтирасак.  
– Ўша куни тахминан соат ўнлар атрофида автомашинанинг оливи орқа давлат рақамлари йўқлигини билдим, – деди жабр-

ланувчи А.Х. – Ён-атрофни қидириб кўрдик, топилмади. Ўғирланганлигини билганимдан кейин “102”га қўнғироқ қилдим. Бугунги кунда давлат рақамлари менга қайта-рилган. Н.Т.га давоим йўқ.

Суд ушбу жиноят иши юзасидан тўплантан иш ҳужжатларини, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатмаларини текшириб чиқиб, баҳо берди. Шундай қилиб, Н.Т.нинг аёл эканлиги, пушаймонлигини эътиборга олиб, унга 1 йил 6 ой синов муддати белгиланди.

**Алишер ЖАЛИЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Яккасарой туман  
судининг раиси.

## YOSH OFITSERLAR ISHTIROKIDA

Surxondaryo viloyati Janubi-g’arbiy maxsus harbiy okrugi-dagi Mudofaa vazirligi tizimiga qarashli harbiy qismida hamda Surxondaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasiga xizmatga yangi qabul qilingan ofitserlar tar-kibidagi harbiy xizmatchilar bilan o’quv yig’ini o’tkazilmodi.

Tadbirda Termiz harbiy prokurorining yordamchisi tomonidan xizmat faoliyatini tashkil etishda qonunchilik hujjatlari talablariga rioya qilish yuzasidan tushuntirishlar berildi.

Shuningdek, tadbir ishtirokchilariga harbiy qism va muassasalarda jinoyatga oid ariza, xabar va boshqa ma’lumatlar yuzasidan tegovga qadar tekshiruv o’tkazish tartibi, asoslar hamda bunda ahamiyat qaratilishi lozim bo’lgan holatlar xususida atroflichcha fikrlar bayon etildi.

**Farrux YOROV,**  
Termiz harbiy prokurori yordamchisi.  
**Navro’z ISLAMOV,**  
Surxondaryo viloyati FVB bo’lim boshlig‘i, kapitan.



## МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратуруси ташаббуси билан Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирliklari, Миллий гвардия, ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонликлари вакиллари томонидан Самарқанд шаҳрида оммавий сайёр қабул ташкил этилди.

Унда Самарқанд ва Каттакўғон гарнизонларида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалarda



хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, фуқаролар иштирок этидилар.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари О.Холбоев ва бошқа раҳбарлар томонидан муружаатчилар тингланди.

Жараёнда турли масалаларга оид жами 185 та мурожаат келиб тушди. Шундан 34 таси жойида ижобий ҳал этилган бўлса, 57 та мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди ва 94 таси назоратга олинган ҳолда масъул ташкилотларга юборилди.

**Руслан ЛАТИПОВ,**  
Самарқанд ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси,  
адлия майори.



## ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

Навоий вилояти ФВБ томонидан “Коррупцияга қарши курашни ўзимизни ислоҳ қилишдан бошлайлик!” мавзусида тадбир ўтказилди.

Йиғилиш давомида Навоий вилояти Учқудук туманидаги НКМК ДК Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази, “Шимолий” кон бошқармаси ва Зарафшон шаҳар худудида жойлашган “Марказ” кон бошқармаси обьектлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

бўлимларининг ҳарбий хизматчи ва хизматчиларига бир қатор ҳуқуқий норматив ҳужоатларнинг мазмун-мөҳияти тушунирилди.

**Н.КАРИМОВ,**  
Навоий вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими бош инспектори, капитан.

## ОФАТ ЭШИК ҚОҚМАС

Чирчиқ шаҳар Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказида Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари МФЙ раислари иштирокида “Офат эшик қоқмас” мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуман давомида шаҳар газ таъминоти, Ободонлаштириш бошқармаси, санитария-эпидемиология, ёнғин хавфсизлиги ва ветеринария хизматлари масъул ходимлари томонидан газдан фойда-

ланиш қоидалари, газ билан боғлиқ портлаш, ёнғин, ис газидан заҳарланишининг олдини олиш ва яна қатор мавзуларда маърузалар ташкил қилинди.



Тадбирнинг амалий қисмida Тошкент вилояти ёнғин-күтқарув отряди техникалари ва жиҳозлари кўргазмаси намойиш этилди.

**Ҳусниддин АГЛАЕВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ Чирчиқ шаҳар ҲФХУМ бошлиги.

## KITOB YARMARKASI

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaqa oshirish markazi-da xizmatchi va harbiy xizmatchilar ishtiroki-da “Kitob – millatning madaniy va ma'naviy merosi” shiori ostida “Kitob olami” MCHJ xodimlari bilan hamkorlikda kitob yarmarkasi o'tkazildi.

Yarmarkada tinglov-chilar badiiy, huquqiy,



madaniy va ma'rifiy yo-nalishdagi kitoblarni xarid qildilar.

**B.ISHNAZAROV,**  
FVV BTvAMOM kutubxona boshlig'i, kichik serjant.

## ПРОФИЛАКТИКА

Жиззах вилояти Зафаробод тумани ФВ бўлими ходимлари томонидан ариқ ва каналлар, гидротехник иншоотларда ва бошқа тақиқланган худудларда чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга қартилган рейд тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, аҳоли яшаш хонадонларида тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилиб, фуқароларга кондиционер, вентилятор каби электр ускуналарининг туни кун ишлатилиши қисқа туташув ва ёнғин-

ларга сабаб бўлаётганилиги, носоз ва қўлбола ускуналардан фойдаланишга йўл қўймаслик юзасидан тушуниришлар берилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.



Surxondaryo viloyati FVBda boshqarma boshlig'i, yosh harbiy xizmatchilar, kursantlar hamda tizim faxriylari ishtirokida “Uch avlod uchrashuv” tashkil etildi.

Keksalalar yig'ilishda o'z tajribasi, bosib o'tgan hayot yo'llari haqida gapirib, yoshlarni yanada shijoatli bo'lish, zimmalardagi vazifalari, Vatan oldidagi burchlarini o'z vaqtida bajarishga undadilar.

## MAROQLI VA FOYDALI



Navro'z ISLAMOV, Surxondaryo viloyati FVB bo'lim boshlig'i, kapitan.

## DAVRA SUHBATI

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasida lavozimiga tayinlangan kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchilar bilan harbiy xizmat mas'uliyati xususida davra suhbati tashkil etildi.



“Долзарб 30 кун” тадбири доирасида “Қамчик” маҳсус қидирив, ёнғин-күтқарув бошқармаси ходимлари ҳамда мутасадди хизматлар ҳамкорлигига довон худудида жойлашган мавсумий дам олиш масканлари, ошхоналар, савдо мажмуалари, “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК, “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли обьектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ўрганилмоқда.

“Қамчиқавтойўл” ИЙФУК қарашли 10 та йўл бўлими, “Қамчик”, “Резак” туннеллари ки-

## ҚОИДАЛАРНИ УНУТМАНГ!

Шунингдек, “Қамчик” довонда 4 та хавфли участкада муҳандислик-техник ҳимоя тадбирлари ташкиллаштирилмоқда. Жумладан, автомобиль йўлининг 1 та хавфли участкасида 197.6 км да ҳамда темир йўлининг 7, 13, 68, 70-км.ларидаги муҳандислик-техник ҳимоя тадбирлари амалга оширилмоқда.

**М.ЖЎРАЕВ,**  
“Қамчик” МҚЕҚБ  
ФВПБ катта техники,  
кичик сержант.  
**Ш.АБДУСАТТОРОВА,**  
бош мутахассис.

## SEMINAR

“Dolzarb 30 kun” tadbiri doirasida “Farg'o-naazot” AJning qator xizmat va boshqarmalari hamda “Farg'o-naazot” AJ obyektlari binolarida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi harbiy xizmatchilar tomonidan seminar tashkil etildi.

Tadbir давомида корхона ishchi-xodimlariga viloyat hududida yong'inlar va boshqa tusdagi favqu-lodda vaziyatlarning kelib chiqish sabablari, ko'ngilsiz holatlarda harakatlanish tartibi yuzasidan tavsiyalar berildi.

**N.TURSUNOV,**  
“Farg'o-naazot” AJ OBYXTTEB inspektori,  
katta leytenant.  
**I.SAIDAKBAROV,**  
bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.

**Ифтихор УМАРОВ,**  
Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати раҳбари, капитан.  
**Жавлон ҚУДРАТОВ,**  
Зафаробод тумани ФВ бўлими бошлиғи,  
капитан.

## G'UZORDA MASHQ

Qashqadaryo viloyati G'uzor tumanida qo'mondoklik-shtab o'quv mashqi bo'lib o'tdi.



Mashq davomida zilzila davrida yirik korxonalar da yuzaga kelgan avariya natijasida havoga zaharli moddalar tarqalganda, FVDT tarkibiga kiruvchi korxona va tashkilotlar, korxona ishchilarini hamda aholining harakatlari sinovdan o'tkazildi.

Tadbir rejasiga ko'ra, shartli zilziladan so'ng ishlab chiqarish obyektlaridan birida yong'in sodir bo'ldi. FVV qutqaruvchilari darhol yong'inni bartaraf etishga kirishdilar. So'ngra shartli yong'inni bartaraf etish uchun jalb qilinadigan kuch-vositalarni to'g'ri yo'naltirish, jabrlanganlarni xavfsiz hududga olib chiqish va birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari amaliy tarzda ko'rsatib o'tildi.

Navbatdagi mashq tumandagi "Pachkamar" suv omborida o'tkazilib, obyeqtning barcha mehnat ja-moasi o'z vazifasiga ko'ra, zarur harakatlarni amalda bajardi.

**Mirzohid OSTONOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i o'rinnbosari,  
podpolkovnik.

**Asqar BERDIYEV,**  
bo'lim boshlig'i, podpolkovnik.

## ҚИЗФИН БЕЛЛАШУВ

Навоий кон-металлургия комбинати АЖ ва "Навоийурен" давлат корхонаси обьектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ҳарбий хизматчилари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўtdi.



Танлов давомида 100 метр ва уч минг метр масофага югуриш, тўсинда тортилиш бўйича ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги синovдан ўtkazildi.

Натижаларга кўра, Шимолий кон бошқармаси обьектlariда ёнгин хавfсизligini таъminla什ни ташкил этиш бўлими 8-ёнгин-кутқарув қисми ходими оддий аскар Сардор Фармонов, 3-уринни Жанубий кон бошқармаси ҳамда Навоий саноат майдони обьектlariда ёnгин хавfсizligini таъminla什ni ташkiл этиsh bўliimi 8-ёнгин-kuтқaruv қismi xodimi, oddiy askar Aҳmat Xushnazarovlar эгалладилар.

**Бешим РЎЗИЕВ,**  
марказ бўлим бошлиғи,  
подполковник.

**М.ҲАЙИТОВ,**  
НҚМК ДК ЁХТТЭМ  
гурӯҳ бошлиғи,  
кatta сержант.

FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida tinglovchilar bilan favqulodda vaziyatlar va yong'inlarni bartaraf etishda mechanizatsiyalashtirilgan asbob-anjomlardan foydalaniш bo'yicha amaliy mashg'ulot o'tkazildi.

## MAXSUS SABOQ

Tadbirdavomida tinglovchilar mechanizatsiyalashtirilgan asbob-anjomlardan foydalaniш xavfsizlik qoidalariga rivoя qilgan holda o'z bilim va ko'nikmalarini oshirdilar.

Amaliy mashg'ulotlari natijalari bo'yicha har bir tinglovchingning bajargan



## АМАЛИЙ ВА НАЗАРИЙ

Toшkent Metropoliteni ҳарбийлаштирилган ёнгин хавfсizligi бўlinmasi ходimlari bilan ҳамкорликda қўngili ёnгин ўчириш dруjinalari iшtirokida ёnгин ўчириш amaliy takтиk mashg'ulotlari ўtkazilmоқда.



## "MUG'LON" DA MASHG'ULOT

Kasbi tumanidagi "Mug'lon" mahallasida mutasaddi xizmatlar bilan birgalikda xonardonlarda uyma-uy yurilib, fuqarolarga elektr sim va gaz ballonlari, konditsioner va muzlatkichlardan foydalaniш qoidalariga amal qilish borasida aytib o'tildi.



Shuningdek, "Qamashi" davlat o'rmon xo'jaligida o'rmonlarda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan yong'inlarning oldini olish, yong'in sodir bo'lganda tashkilotlarning birgalikdagи harakatini muvofiq lashtirish borasida o'quv mashg'uloti bo'lib o'tdi.

Shuningdek, tadbir davomida suv havzalari bo'ylab reyd tadbirlari o'tkazildi. Fuqarolarga taqilangan joylarda cho'milishning ayanchli oqibatlari tushuntirildi.

**Sa'dulla ATABAYEV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB bo'lim boshlig'i,  
mayor.  
**Sanjar HAYDAROV,**  
Kasbi tumanı FV bo'limi boshlig'i, kapitan.

## KO'RRIK-TANLOV

Qashqadaryo viloyatidagi o'ta muhim va toifalangan obyektlarni mahofaza qiluvchi yong'in-qutqaruv bo'linmalari shaxsiy tarkibi o'rtasida kasbiy va jangovar tayyorgarlik bo'yicha ko'rrik-tanlov o'tkazildi.



Ishtirokchilar ko'rrik-tanlovning 1-turida jismoni yaytayyorgarlik, sport to'sinida tortilish, 100 va 3000 metr ga yugurish, 2-turida "Kalashnikov" avtomatini to'liqsiz qismalgara ajratish va yig'ish, "Makarov" pistoletidan o'q otish mashqlarini bajargan bo'lsalar, 3-turda jangovar tayyorgarlik bo'yicha test savollarini yechdilar.

Tanlov natijalariga ko'ra, 3-o'rinni "Talimarjon IES" AJ 34-YQQ jamoasi, 2-o'rinni "Uzbekistan GTL" MCHJ 43-YQQ jamoasi, 1-o'rinni "Sho'rtan GKM" MCHJ 39-YQQ jamoasi egalladi.

Faxli o'rinnarni qo'lg'a kiritgan jamoalar diplom va esdalik sovg'alar bilan rag'batlantirildi.

**Adham MUZAPOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB katta inspektori, katta leytenant.

**Umroq JURAYEV,**  
boshqarma SHGKM MCHJ  
OBYOXTTEB boshlig'i, podpolkovnik.

Tadbirlar давомида бекатлар ва электр-депо парнинг ёнгинга қарши ҳолати ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш учун мутасаддиларга ёзма кўrsatmalap taқdim etilmoқda.

Birplamchi ёnгин ўчириш vositalariдан foydalaniш қoидalari va favqulodda ҳолатларда хизматчи-ходимларнинг ҳаракатлari xамda ёnгин хавfсizligini таъminlaш юзасидан йўриқнома ва сұхбатлар ўtkazilmоқda.

**X.ВАЛИЕВ,**  
Toшkent Metropoliteni ЁХТБ мутахассиси,  
katta serjant.

"Issiqlik elektr stansiyalari" AJ To'raqo'rg'on filialida "Toifalangan obyektda favqulodda vaziyatlar va jinoi tajovuzlar sodir bo'lganda obyekt rahbariyati qo'riqlash tuzilmalari hamda hududiy xavfsizlik kuchlarining harakatlari" mavzusida ko'rgazmali-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

## KO'RGAZMALI TARZDA

Unda 2 ta o'quv nuqtasi tanlab olinib, birinchi o'quv nuqtasida – ifloslangan moy saqlash rezervuari sodir bo'lgan yong'in bartaraf qilindi.

Ikkinci o'quv nuqtasida rele binosining tomida jabrlangan xodim qutqarilib, xavsiz hududga evakuasiya qilindi.

**Jobir OLIMJONOV,**  
Namangan viloyati FVB bo'lim boshlig'i,  
katta leytenant.



# ЎЗЛИГИНГ НАМОЁН ЭТ!



Жорий йилнинг 6 июль куни Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги Жанубий Мирзачўл каналида чўкиб кетаётган, 1994 йилда туғилган Матлуба Бобоева ҳамда унинг фарзанди, 2014 йилда дунёга келган Асадбек Тилаболдиев Сайдисломбек Абулқосимзода томонидан кутқариб қолинган.

Дарҳақиқат, бошига бирор ташвиш, мусибат тушган инсонларга кўмак бериш, уларни турли оғат ёки балолардан ҳимоя қилиш, омонат берилган ширин жонини хатарга қўйиб бўлсада, кутқариб қолишга интилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки бу иш ўта хатарли. Ахир, ўзгага кутқариш ёрдамини кўрсатиш вақтида кутқараётган шахснинг ҳам ўз ҳаёти хавф остида қолади-ку. Шунинг учун бу ишни ҳар ким ҳам қила олмайди. Айтишади-ку, “Жон – ширин!” – деб...

Шуниси борки, ўзганинг оғатдан кутқариш нақадар мashaқатли, масъулияти бўлиши билан бир қаторда, жуда шарафли, эзгу амал ва анча хайрли ишdir. Буни қалбан ҳис қилган, савобтаб лаб оиласда камолга етган Сайдисломбек она ва болани “сув балоси”дан кутқариб қолиш учун астойдил ҳаракат қилди, бу йўлда ҳатто ширин жонини, бир марта гина бериладиган ҳаётини аямади. Одамийлик бурчани адо этди. Шукурки, ҳодиса оқибатида ҳеч ким жиддий жароҳат олмади, курбонлик юз бермади...

Воқеа шундай кечганди... Ўша куни соат таҳминан 19:15 атрофида Матлуба Бобоева фарзанди билан канал атрофидан кетаётган эди. Болаликка хос қизиқувчанлик ва ўйинқароқлик 9 ёшли Асадбекни сув бўйига чорлади. Кутимаганди, эҳтиётсизлик сабабли сувга тушиб кетади. Бундай ҳолатга тушган онаизорнинг аҳволини бир тасаввур қилинг-а, буни баён этишга энг бурро-

тил, энг ўткир қалам ҳам оқизлик қиласди.

Бутун ҳаёти, борлигини фарзандларига бағишила-ган, тили йўқ гўдагини нима истаётгани, танасининг қа-ерида қандай ўзгариш борлиги, нимадан безовтали-гини ўзининг бебаҳо меҳри билан ҳис қиласидиган, ёзинг жазирамасида ҳам, қишининг қаҳратонида ҳам бироз шамоллаган гўдагини бағрига босиб, касалхоналарга югуриб чопадиган ягона зот – онадир. Вужудида 9 ой кўта-риб, туғилганида бир парча эт бўлган болани шу ёшга киргунига қадар, ҳаётнинг барча қийинчиликларига бардош бериб, ҳам ота, ҳам она бўлиб, бор меҳрини фарзандларига бериб, уларни кела-жақда етук инсонлар бўлиб камолга етишидан умид қилиб яшаётган аёлнинг умид учкуни кўз ўнгидага сувга ғарқ бўлаётгандай эди...

– Онажон, кутқаринг, ёр-дам беринг, чўкяпман, она-жон, – дерди болакай жон ҳолатда бир сувга кириб, бир сувдан чиқаркан...

Бу вақт Матлуба не қила-рини билмай тошдай қотганди. У бамисоли яшин урган дараҳтдай эди. Боласининг ноласидан ўзига келаркан, овозининг борича бақириб, атрофга аллангларди, одамларни ёрдамга чорларди. Аммо уни ҳеч ким эшитмас, атрофда одамлар йўқ эди.

Онани Ҳудойим шундай яратган. Агар боласи чоҳ ичидаги қолиб, полапондай чирқираб, нола қиларкан, бу чоҳдан уни олиб чиқишининг имкони бўлмаса ҳам, дўзахдай тубсиз чоҳ ичига жабрдийда она қуш каби ҳеч иккиланмай ўзини отади... Ҳатто оғат чоғида ҳам боласи билан қолишни истайди...

Шундай бўлди. Матлуба дод-фарёд урганча ўзини боласи ёнига, шиддат билан оқаётган канал сувига отди... У фақат бир нарсани – ўзидан ҳам кўра, боласини қирғоқча олиб чиқишини, унинг омон қолишини истарди. Аммо бундай бўлмади. Кучли оқим энди она-болани оқизиб кета бошлади...

Ҳар бир иш Яратганинг ҳукмида. Атрофда ҳеч ким йўқ эди. Аммо шу вақт улар-



нинг қошига Ҳудойимнинг ўзи спорт билан шуғулланиб юрган Сайдисломбекни келтириб қўйди.

Йигит ўйланаб ўтиради. Ўйлашга эса вақт йўқ. “Ўзингчи, ўзингнинг ҳаётинг нима бўлади?”, – сўради ички бир овоз унинг ўзидан. “Үёғи бир гап бўлар, энг муҳими, сувдаги одамларни кутқариб олиш керак”, – жавоб берди ўзига ўзи ва сувда оқаётган одамларнинг кетидан қувиб бориб, бироз олдинга ўтди ва ўзини сувга отди. Шу тариқа уларни сув оқимида юзма-юз кутиб олди...

Дарҳақиқат, холис ният ғолиб келади ва ўз ортидан эзгуликни олиб келади. Тезкор ва аниқ ҳаракати сабабли қаҳрамонимиз аввал Асадбекни, кейин эса унинг онаси – Матлубани сувдан чиқарип олишга муваффақ бўлди.

Бир қаращда, буни ҳа, одатдаги ҳол-да, кимнидир қутқариб қолибди-да, дейишлари мумкин. Аммо шу гапни айтган инсон қутқарувчи ва қутқарилган инсонлар ўрнига ўзини қўйса эди... Ахир, Сайдисломбек Абулқосимзода ҳали вояга етмаган уч нафар фарзандини боқиши учун ёлғиз боши билан тинимсиз меҳнат қилаётган, болаларини Ватанимизга нафи тегадиган инсонлар бўлиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини чин қалбдан истаётган мунис аёл, мўътабар она ва келажақда баркамол шахс бўлиб етишадиган боланинг ҳаётини сақлаб қолганди. Бу билан у она-юрт, жамиятга

қанчалик муҳим фойда келтирганлигини тасаввур қилишнинг ўзи кифоя...

Юқсанк жисмоний сифат ҳамда етук маънавиятли қалб эгаси бўлган Сайдисломбек ана шундай савобли ишни уddaлаган эди. Айтишади-ку, ҳамма ҳам қаҳрамон эмас. Аммо қаҳрамонлик учун лавозим, ёш ёки бошқа талабларнинг кераги йўқ. Бунинг учун инсон қалбида она-Ватан, ундаги инсонларга буюк меҳр-муҳаббат бўлса бас...

Сайдисломбек бугуннинг ҳавас қилса арзидиган йигитларидан. У спорт билан мунтазам шуғулланади. Оғир, вазмин, сермулоҳаза инсон. Маҳалла жамоаси орасида ҳурмат-эътиборга эга ўшлардан бири.

Қаҳрамонимиз 2002 йилда Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар “Бобур” МФЙ Бобур кўчаси 15 уйда Суннат Қаршибоев ва Наргиза Қаршибоева хонадонида тўнгич фарзанд бўлиб дунёга келган. 2009 йилда Янгиер шаҳридаги 9-сонли умумтаълим мактабининг 1 синфига қабул қиласидиган. 2020 йилда ушбу таълим даргоҳини муваффақиятли тамомлаган. 2022-2023 йиллар давомида Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирига йигитлик бурчини ўтаган. Хизмат вазифасини бажариш даврида ҳам кўплаб инсонларга яхшилик қиласидиган. Унинг ўзига хос фикрларни қобилияти, мардлиги ва эпчиллиги командирларининг ҳам эътироғига лойиқ қўрилган.

– Ҳарбий қисмимизда яратилган шароитлар кутқарувчилик касбига нисбатан қизиқишимни оширган, ҳар қанча қийин бўлмасин, сир-асрорларини ўзлаштиришимга имкон берган, – дейди Сайдисломбек Абулқосимзода. – Ўзгаларнинг дардига шерик бўлиш, жасорат кўрсатишига ҳамиша тайёр турадиган,

соҳа сирларини муқаммал эгаллаган, қатъиятли ва жасур, одамларга чексиз меҳр-муҳаббатли инсонлар – кутқарувчилар ва уларнинг шарафли ишига доим ҳавас қилиб келганман... Қолаверса, ота-онам ҳам мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, хонадонимиздаги осойиштилик, дастурхонимиздаги тўкинлик шукри сифатида жамият фаровонлиги ва саодати йўлида хайрли амалларни адо этишимиз кераклигини айтишади...

Ха, Сайдисломбекнинг бу каби таассуртлари, теран фикрларини янада давом эттиришимиз мумкин. Муҳими шуки, инсон ҳар бир кунида, ҳар сониясида ўзгапларга яхшилик қилиш, ўксик қалбларнинг кўнглини кутариш, беморларни зиёрат қилиш, жамиятда тинчликни таъминлашда фаол бўлиши лозим. Қаҳрамонимизда эса бундай мақсад ва фазилатлар мүжассам, албатта...

Айни пайтда С.Абдулқосимзода кўрсатган жасорати учун Сирдарё вилояти ва Янгиер шаҳар ҳокимларини, вилоят ФВБ томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

Яна бир янгилик: вилоят ФВБ раҳбарияти бу йигитни тизимга ҳарбий хизматга қабул қилиш чораларини кўрмоқда...

Бу айни муддао, негаки, ФВБ сафларида Сайдисломбекдай ўзгалар ҳаёти учун, керак бўлса, ўз ширин жонини фидо қилишга ҳар лаҳзада тайёр турадиган, қалтис вазиятларда аниқ қарор қабул қилиб, оғат ва фалокатлардан инсонларни кутқариб қолишга қодир йигитларнинг бўлиши янада кувонарли.

**Анвар ҚОБИЛОВ,**  
“Vaziyat” мухбири.  
**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВБ  
Ахборот хизмати бошлиғи,  
капитан.



## ТУШУНТИРИШ



Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қосарой кӯчаси кичик саноат зонаси ҳудудидаги цехда фаолият олиб бораётган эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар билан учрашув ўтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш, ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва ёнгинларнинг мудҳиш оқибатлари тўгрисида тушунтиришлар берилди.

Жавлонбек МАТКАРИМОВ,  
ФВХҚвабММ бўлим катта офицери,  
капитан.

## CHO'MILISH QOIDALARI

Quva tumani FV bo'limi tomonidan tuman hududida suvda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha qator porofilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda.



Tuman hududidan oqib o'tgan zovur, soy, kanallar va boshqa aholining doimiy cho'milishi odat bo'lib qolgan cho'milish ruxsat etilmagan hududlarga, aholiga aniq ko'rindigan joylarga "Cho'milish qat'iyan taqiqlanadi!" taqiqlovchi belgilari o'rnatildi.

Bundan tashqari, tumandagi cho'milish taqiqlangan va ruxsat etilmagan ochiq suv havzalarida 75 marotaba reydlar otkazildi.

Jasurbek XOLMATOV,  
Quva tumani FV bo'limi boshlig'i,  
mayor.



"Долзарб 30 кун" тадбири доирасида Деҳқонобод тумани марказидаги бозор ва савдо мажмуяларида ташкил этилган тарғибот тадбирларида со туви ва харидоларга ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ёзниг иссиқ кунларидаги фойдаланилайдиган совитиши воситаларини ёниқ ҳолда ва қаровсиз қолдирмаслик лозимлиги тушунтирилди, эслатма ҳамда буклетлар тарқатилди.

## ОГОҲЛИК

Мутахассислар қурилиш иншотларида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари билан яқиндан танишиб, қурувчи ва масъулларга ёнгинга қарши тадбирларни меъёрий ҳуқокатлар асосида бажариш ҳамда биноларда замонавий ёнгиндан автоматик равища хабарлаш қурилмаларини ўрнатишга асосий эътибор бериш кераклигини таъкидладилар ва зарур тавсиялар бердилар.

**Б.МУРОДУЛЛАЕВ,**  
Қашқадарё вилояти ФВБ бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.  
**Ш.КЕЛДИЕВ,**  
бўлинма инспектори, подполковник.

## БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ

"Қамчиқ" маҳсус қидирав, ёнгин-қутқарув бошқармаси навбатчи диспетчерига келиб тушган маълумотга кўра, А-373 "М-39 Гулистан-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали – Ўш" автомобиль йўлининг "Резак" навбатчилик маскани ҳудуди 273 км.да "Тошкент-Водий" йўналишда ҳаракатланган "Nexia" ва "Дамас" автомобиллари тўқнашиб кетган.

## ШАҲРИХОН ТАДБИRLARI

Шаҳрихон тумани ФВ бўлими ходимлари қурилиш майдонларида бўлиб, қурилиш ташкилоти ишчи-ходимлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактик сухбатлар ташкил қилдilar.

Мазкур тадбирлар давомида лойиҳа ҳуқокатлари яна бир бор кўздан кечирилиб, бош режага киритилган ёнгин хавфсизлиги талаблари юзасидан тушунтиришлар берилди, ушбу қоидаларга риоя этиш ҳолатлари текширилди.

**О.РАҲМАТОВ,**  
Шаҳрихон тумани ФВ бўлими НТБ бошлиғи, капитан.

Воқеа жойига "Қамчиқ" МҚЁҚБ қутқарувчилари маҳсус асбоб-анжомлар билан етиб боришган. Улар томонидан ТТЁ ва ЙПХ ходимлари ҳамкорлигига жабрланганларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳодиса оқибатида ҳалок бўлганлар йўқ, бир киши енгил тан жароҳати олган.

**И.МАХМЕТОВ,**  
"Қамчиқ" МҚЁҚБ ходими, кичик сержант.

## МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

Наманган муҳандислик-технология институтида "Долзарб 30 кун" тадбири доирасида профилактик сухбат ташкил этилди. Унда газ, электр корхоналари ходимлари, маҳалла фуқаролар йигини раиси ҳамда фаоллари, вилоят ФВБ ҳарбий хизматчилари иштирок этдilar.

## VAZIYAT

## МУҲИМ ТАДБИRLAR

"Долзарб 30 кун" тадбири доирасида пойтактимизнинг Сергели тумани "Ўзгариш" МФЙда тегишли хизматлар билан ҳамкорликда ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ташкил этилди.

Тадбирлар давомида объектларнинг ёнгин хавфсизлиги, бирламичи ёнгин учирши воситалари билан таъминланганлик ҳолатига эътибор қаратилди. Аҳоли яшаш хонадонларида уйма-уй юрилиб, фавқулодда вазиятлар ва улар юзага кепганда тўғри ҳаракатланиш тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек, фуқароларга электр ва газ ускуналаридан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозимлиги тушунтирилди.

**Жаҳонгир УРМАШЕВ,**  
"ВОСТОК" ИЧБ ДУК ЁХТЭБ мутахассиси, катта сержант.

Shu yilning o'tgan 7 oyi davomida Turroqqal'a tumanidan oqib o'tgan Amudaryo chap qirg'oqi va mahallalar ichidan oqib o'tgan kanallarda jami 4 nafar inson suvda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisaning qurboni bo'lgan.

## SUV HAVZALARIDA

Bunday fojiaga, asosan, ota-onalar, katalar tomonidan nazoratning bo'shashtirilgani, mahalla, mакtab, kollej, akademik litsey va boshqa xizmat xodimlarining yoshlar orasida tushuntirish ishlari qoniqarsiz olib borilayotgani, shuningdek, bolalarning suza olmasliklari ham sabab bo'ladi.

Shunday ekan, yurtimizda mavjud cho'milish havzalaridan foydalanganda hushyor bo'lish, bu borada ma'lum qoidalarga amal qilish hamda farzandlarimizning taqiqlangan joylarda cho'milmasligini ta'minlash har birimizning burchimizdir.

Dilmurod SHERNIYOZOV,  
Turroqqal'a tumanini FV bo'limi boshlig'i o'rinnbosari, kapitan.

Тадбирда ёнгин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар таҳлил этилиб, бу каби ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Наманган вилояти ФВБ Ахборот хизмати.

## SHAYLIK MUHIM

Qashqadaryo viloyati FVB tomonidan "Sulton textile" tikuvchilik korxonasiда тадбир o'tkazildi.

Profilaktik tadbirlar Qarshi shahrida barpo etilayotgan "Sulton saroy" qurilish obyektiда давом etdi. Rejaga ko'ra, jami 12 ta 9, 10 qavatlari binolarda 700 ta xonardon qurilishi mo'ljalangan ushbu obyekt 2025-yilda to'liq qurib bitkazilishi rejashtirilgan.

300 nafardan ortiq qurvchi va ishchilar ushbu bino qurilishiga o'z hissalarini qo'shishmoqda. Viloyat FVB xodimlari tomonidan ushbu manzilda yong'in xavfsizligini ta'minlash borasida o'tkazil-

## TARG'IBOT



Qarshi tumani FV bo'limi tomonidan yonish, portlash xavfiyuqori bo'lgan maskanlarda, yoqilgi quyish shoxobchalarida mutasaddi xizmatlarni jalb etgan holda, haydovchi va fuqarolar uchun profilaktik tadbirlar amalga oshirildi.

Tadbir Muborak tumana davom ettirilib, unda tuman hududidagi baland qavatli aholi turar joylarida o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Sodir bo'lgan shartli yong'indan so'ng tezkor xizmatlarga yong'in haqida dastlabki ma'lumotlar berildi va ogohlantirildi.

Zudlikda ushbu manzilga yong'in-qutqaruva texnikalari jalb qilindi, qutqaruvchilar tomonidan yong'inni bartaraft etish, jalb qilinadigan

kuch-vositalarni to'g'ri yo'naltirish, jabrlanganlarni xavfsiz hududga olib chiqish va birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari amaliy tarzda ko'rsatib o'tildi.

**Ulug'bek JUMANOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi.  
**Shukur NIYOZOV,**  
Ko'kdala tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

## МАҲАЛЛАДА ТАШВИҚОТ

Чуст туманинаги “Юқори” МФЙ ҳудудидаги 604 та аҳоли хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилиб, электр, газдан фойдаланиш ҳамда бошқа ҳолатлар бўйича 146 та камчиликаниқланди ва мазкур камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.



Тадбирлар давомида ушбу маҳалла жойлашган 42-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан давра сұхбати ўтказилди ва ёшларнинг соҳага оид қизиқтирган саволларига жавоб берилди. Шу жойнинг ўзида “Темурбеклар мактаби” ҲАЛ тарбияланувчилари иштирокида шартли равишда дарё устидан арқон орқали ўтиш жараёни амалда бажарилди.

**Наманган вилояти ФВБ**  
ахборот хизмати.

## ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Юртимизда давом этаётган “Долзарб 30 кун” тадбирлари давомида жойларда профилактик сұхбат ва учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Тадбирлар давомида иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунириб ўтилмоқда.

Сұхбатлар давомида тадбир қатнашчиларининг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилмоқда.

**Мурод ЗИКИРОВ,**  
Тошкент шаҳар ФВБ  
ЁХТТЭБ мутахассиси,  
оддий аскар.

## ТИЛСИЗ ЁВ

Нукус шаҳри ҳудудида кўп қаватли уй қураётган хусусий корхоналардан бирида ишловчилар бино ва иншоотларда ёнғин хавфсизлиги талабларининг тегиши бандларига амал қилмасдан иккинчи қаватда монтаж ишларини олиб бораётганда ёнғин келиб чиқсан. Ёки шаҳардаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган муҳим обьектда корхонадан чиқкан чиқинди белгиланган жойда ёқилмагани ва ён-атроф қуриган ўт-ўландан тозаланмагани учун бу ерда ҳам “тилсиз ёв” ўз кучини кўрсатиб, корхона каттагина моддий зарар кўрди.

Кўп қаватли уйлардан бирида эса хонадон эгаси дазмолни электртга улаган ҳолда қолдириб кетгани туфайли вақт ўтиб, ёнғин келиб чиқсан. Ёнғин-қутқарув хизмати ходимларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида ҳодисалар бартараф қилинди.

Бу каби ҳолатлардан барчамизга тилсиз ёвдан огоҳ бўлиш лозимлигини яна бир карра эслатади, албатта.

**Досмурза АМАНГЕЛДИЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ФВБ бўлинма бошлиғи, майор.

**Мажит ДЖУМАНАЗАРОВ,**  
бўлинма инспектори,  
катта лейтенант.

## МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Андижон вилояти ФВБ “Uz Auto Motors” АЖ биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси шахсий таркиби томонидан корхона ҳудудида «Долзарб 30 кун» тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тадбирлар доирасида ишчи-хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш, ёнғинларнинг олдини олиш, унга ўйл қўймаслик, белгиланмаган жойларда очик оловдан фойдаланмаслик, сигарет чекмаслик ва яна қатор ҳолатлар бўйича йўриқномалар ўтказилмоқда.

Корхонанинг Транспорт ташувлар бошқармасида ёнғинлар ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлгандা оқибатларини бартараф этишда ёнғин-қутқарув қисми ва ҳамкор ташкилотларнинг амалий ҳаракатлари бўйича ўкув машғулоти ташкил этилди.

Машғулот якунида ўйл қўйилган хато ва камчиликлар бошқарма раҳбарияти томонидан муҳокама қилиниб, келгусида тўғри ҳаракатланиш бўйича йўриқномалар берилди.

**Дилшодбек СУЛТОНОВ,**  
“Uz Auto Motors” АЖ биноларида  
ЁХТТЭБ инспектори, капитан.

## МЕТРОПОЛИТЕНДА СУҲБАТ

Тошкент Метрополитени УК-ни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан бекатларда ва электр-деполарида хизматчи-ходимлар билан учрашувлар, ёнғин хавфсизлиги мавзусида йўриқномалар, эшиттиришлар ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига бағишиланган сұхбатлар ўтказилмоқда.

амалий-тактик машғулотлари ҳам ташкил этилмоқда.



**Х.ВАЛИЕВ,**  
Тошкент Метрополитени ЁХТЭБ  
мутахассиси, катта сержант.

## УЧРАШУВ

Навоий вилояти ФВБ томонидан “Долзарб 30 кун” тадбiri доирасида “Ўзбектелеком” АК Навоий филиалида ташкилот раҳбарияти, масъул ходимлар ҳамда шаҳар ва туман телекоммуникация боғламалари ходимлари иштирокида видеоселектор кўринишида учрашув ўтказилди.



Тадбир давомида ишчи-хизматчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, совитиш воситаларидан тўғри фойдаланиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тартиби ҳамда ёнғинларнинг олдини олиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Учрашув якунида ёнғин ўчириш ва қидирив-қутқарув асбоб-анжомларининг кўргазмаси такил этилиб, ФВБ масъул ходимлари томонидан мазкур асбоб-анжомлардан фойдаланиш ва ишлатиш бўйича маълумотлар берилди.

**Р.РАҲМАТОВ,**  
Қ.ЖУМАЕВ,  
Навоий вилояти ФВБ  
ходимлари.

## МАЖМУАДА ЎҚУВ

Ислом Каримов илмий-маърифий мажмуаси ЁХТТЭБ томонидан мазкур мажмуада ишчи-ходимлар иштирокида профилактик сұхбат ўтказилди.

Сұхбат давомида иштирокчиларга ёнғин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракатланиш юзасидан тушуниришлар берилди.

Тадбирда иштирокчиларниң саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди, турли

жихозлардан фойдаланишда техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозимлиги эслатиб ўтилди.

**А.ЯКУБАЕВ,**  
И.Каримов мажмуаси  
ЁХТТЭБ мутахассиси,  
оддий аскар.



## СИФАТЛИ ИШ ЮРИТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги Янги Ўзбекистон даврида олиб борилаётган оқилона исплоҳотлар жараёнида вазирлик ва идораларда ҳужжатлар билан ишлаш тизимини юқори даражага кўтариш лозим ҳисобланади. Чунки ҳужжатлар қонун доирасида юритилган жамоада ишлар ҳам жойида бўлади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, айтиш керакки, ҳозирда давлат ва жамият бошқарви бўғинларида фаолият юритаётган ходимлар ҳужжатлар билан самарали ишлаш малакасига эга бўлиши зарур.

Маълумки, ФВВ тизими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор

ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Мажкамасининг қарор ва фармойишлари, соҳавий йўналишлар бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар, фавқулодда вазиятлар вазирлигининг буйруқ ва фармойишлари талаблари асосида амалга оширади.

“Қамчик” МҚЁҚБ тизимида ҳам ҳарбий хизматчи ва хизматчилар томонидан амалдаги ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган талабларни ижро этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунда ходимларнинг ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фаолият давомида бошқармага кирувчи ва чиқувчи

хатлар, иш юритиш ҳужжатлари, мурожаатлар билан ишлаш асосий диққат марказида бўлиб, бу борадаги фаолият бошқарманинг масъул бўлинмалари томонидан мунтазам равиша ўрганилиб, ходимларга зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилади.

**Э.ПОСТНИКОВА,**  
“Қамчик” МҚЁҚБ бўлинма  
бошлиғи.



## ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ОАВ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгашида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши томонидан “ОАВда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари” мавзусида давра сухбати ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши аъзолари, куч тузилмалари таркибида кирувчи вазирликларнинг ахборот хизматлари масъул ходимлари, ҳарбий журналистлар, марказий ОАВда ҳарбий соҳани ёритишга ихтисослашган журналистлар иштирок этдilar.

Йигилиш давомида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов томонидан уюшма қошидаги ихтисослашган кенгашлар олдига қўйилган вазифалар билан батафсил таниширилди. Қолаверса, бугунги ҳарбий соҳага доир норматив-хукукий ҳуҗожатлар ижросини таъминлаш, ҳалқ билан армия ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш, ҳарбий ислоҳотлар ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, миллий армиямиз фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, буюк аждодларимиз ҳамда миллий қаҳрамонларимиз ҳақида медиа-маҳсулотлар тайёрлаш, қўшинлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишига жiddiy аҳамият қаратиш зарурлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши раиси, “Ватанпарвар” бирлашган таҳририяти бош муҳаррири подполковник Аҳрор Очилов бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳарбий соҳадаги сиёсатини очиқ намоён қилиш орқали кенг жамоатчиликнинг ҳарбий соҳага доир ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мениамаконнинг долзарб вазифаларидан

бери эканини таъкидлади. Қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида Журналистлар уюшмаси қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши томонидан Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти ва бошқа куч тузилмаларининг матбуот хизматлари билан ҳамкорликда миллий армиямиз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ёшпарни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида республика оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Йигилишда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даврида миллий ОАВда ҳарбий соҳага оид ислоҳотларнинг қайтарзда ёритилаётгани хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон МТРК каналларида намойиш этилаётган “Ватанпарвар”, “Ўзбекистон армияси”, “Армия спорти” сингари кўрсатувларни мазмун ҳамда сифат жиҳатдан бойитиш, “Ўзбекистон армияси”, “Қалқон”, “Муҳофаза+”, “Автоҳамроҳ” журналлари, “Ватанпарвар”, “Постда”, “Вазият” газеталарида нашр этилган материалларнинг электрон версиясими ўз веб-сайтларида узлуксиз тарзда жойлаштириб бориш, ҳарбий соҳага доир мақолаларнинг замонавий элекtron форматда интеграциялаштирилиши буғунги давр талаби эканлиги боис, таҳририятлар ўз веб-сайти ва глобал тармоқлардаги расмий саҳифаларини такомиллаштиришлари зарур эканлиги айтилди.

Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди. Кенгаш фаолиятини келгусида янада такомиллаштириш борасида муҳим фикрлар баён этилди.

Анвар ҚОБИЛОВ,  
“Vaziyat” мухбiri.



“Ватан учун яшайлик!”  
тандовига

## ЎРМОНДАГИ “АРМИЯ”

Жонзотларга, билсангиз,  
Ўрмон – ягона Ватан.  
Қўриқлашар туну кун,  
Бўлишар бир жону тан.

Филлар “ҳарбийлар” учун  
Зўр бинолар қуради.  
Лочин – “Ҳаво ҳужуми”,  
Ҳамлага шай туради.  
Назардан четда қолмас,  
Ҳеч не. Сувда-чи, дема.  
“Ҳаммаси назоратда!”,  
Наҳанг – “сув ости кема”.  
Хушёр чегарачидир,  
Довюрак Жайра деган.  
Ёвга найза уришда,  
Учига чиқкан “мерган”.  
Маймунлар – кучли жуда,  
Барі жасур ва тантни.  
Дараҳтдан сакрар ерга,  
Бўлиб “ҳаво десанти”.

“Таъминот”да сичқону  
Асалчи ари ҳам бор.  
Олмахон ташир ёнғоқ,  
Емишга тўлар “омбор”.

Юмронлар – “разведкачи”,  
Атрофни кузатади.  
Қизилиштон – “телеграф”,  
“Сигнал”ни узатади.

Ёвқур, тенгсиздир улар,  
Барчаси сара “жанғи”.  
Бўривойлар – “санитар”,  
Айқвой – уста “танкчи”.

“Маслаҳатчи” Тулкини,  
Енголмай ёвлар гаранг.  
“Ҳарбий ҳийла”га роса,  
Экан устаси фаранг...

Номин айтсан бирма-бир,  
Яна қанча “пиёда”.  
Асрар она Ватанин,  
Дилда меҳри зиёда.

Мардлар сафига қўшил,  
Бир чеккада турма-да.  
“Майдон”да – Йўлбарс, Қоплон,  
Тимсоҳлар – “пистирма”да...  
Доно, адолатли Шер,  
Бу қўшинга қўмандон.  
Шу сабабли яшнагай,  
Завол кўрмасдан Ўрмон!

Баҳодир Обид.

## МЕҲР МАЛИКАСИ

УМИДАХОНга

Ишлайди чин дилидан,  
Бол томади тилидан.  
Фариштасифат, хушфөйл  
Ҳамширалар хилидан.

Беморларни соғ кўриб,  
Улар каби суюнар.  
Доим ёрдам, яхшилик  
Қилиш учун уринар.

Кўрсанг, қувонар кўзинг,  
Меҳр ёғар юзидан.  
Дерлар bemorga шифо  
Яхши инсон сўзи ҳам.

Набижон ЭРМАТ,  
Ўзбекистон ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.



**Vaziyat**  
газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқулодда**  
**вазиятлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азamat СҮЮНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**А.ҚОБИЛОВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
курсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигига 2007 йил  
3 январда 0096-ракам  
билин рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

Таҳририят манзили:  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-йў.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:  
якка обуначилар ва  
ташкилотлар учун – 382

Газета  
“BUSINESS PRINT DESIGN”  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-йў.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 5400 нусха